

001779

Тариф киймати:  
 Сув 1 м<sup>3</sup> 400 (+НДС15%+100 сўм) сўм  
 Оқава 1 м<sup>3</sup> 350 (+НДС15%+100 сўм) сўм

22044

-сонли шартнома

## II Гурух истеъмолчиларга ичимлик ва оқава суви хизматларини кўрсатиш учун

Тошкент ш.

«10» 01 2022 й.

Ушбу шартнома "Тошкент шахар сув таъминоти" МЧЖ, кейинги ўринларда "Таъминотчи" деб юритилади. Низом асосида фаолият юритувчи

Сув таъминоти бўйича борчкормаси бўйичу Шаҳар мөбоди  
(Ф.И.Ш.)

шахсида, бир томондан ва кейинги ўринларда "Истеъмолчи" деб юритилувчи

асосида иш олиб борувчи директор

(Ф.И.Ш., лавозими)

иккинчи томондан, кўйилдигилар хакида тузилди:

## I. Шартнома предмети

1.1. 2022 йил учин сув етказиси хажми учун тузилиш шартномага мувофиқ бюджет ташкилотлари ва II гурух истеъмолчилари учун сув етказиси 1062,50 нарх бўйича 1300,88 м.н.

1м<sup>3</sup> сув учун 400 сўм (+ККС 15%), +100 сўм (махсус устама хак)ни ташкил килмоқда

1м<sup>3</sup> оқава сутоклик учун 350 сўм (+ККС 15%) +100 сўм (махсус устама хак)

Шу тарика шартноманинг умумий киймати 1599999,50 сўмни ташкил килди.(сумма ёзув билан)

Шу жумладан, бюджет маблагларидан 1599999,50 сўм, бюджетдан ташкари маблагларидан 1599999,50 сўм бюджетдан ташкари маблаглардан тўланиши кўзда тутилган.

Бюджет ташкилотлари II гурух истеъмолчилари Коидаларда белгиланган тарзда "Таъминотчи" томонидан тақдим килинган ҳисобварак фактураларга асоссан, Молия вазирлиги Фазненичилик орқали сув таъминоти ва оқава сувини чиқариш учун ўтказилган маблаглар орқали амалга оширилади.

1.2. «Таъминотчи» «Истеъмолчи»ни O'zDSt 950: 2011 «Ичимлик суви, гигиеник талаблар ва сифат назорати» амалдаги стандартига мувофиқ равишда баркарор таъминлайди. Ушбу стандарт назорат Давлат санитария-эпидемиология назорати томонидан амалга оширилиб, сув кувурлари тариф кийматида (ККС ни ҳисобга олган ҳолда) хўжалик-маиший ва ишлаб чиқариш-технологик эҳтиёжларга йўналтиради.

1.3. «Истеъмолчи» ўрнатилган муддатлар ичида "Таъминотчи"га кўрсатилган сув таъминоти ва сув чиқариши хизматлари учун тўловларни ўз вактида амалга ошириши мажбуриятини ўз зиммасига олади.

1.4. Тарафлар ушбу шартноманинг сув таъминоти ва оқава сувини чиқариш бўйича шартларини бажариш, Ўзбекистон Республикасининг конунчилиги талабларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 15 июлдаги 194-сонли қарори билан тасдиқланган "Истеъмолчиларга сув таъминоти ва оқава сувини чиқариши хизматлари кўрсатиш Коидалари"га (кейинчалик матнда – Коидалар деб юритилади), ва Тошкент шахар хокимининг 2020 йил 1 апрелдаги № 317-сонли қарорига, унга мувофиқ тарифга, 1 м<sup>3</sup> сув учун ва канализация хизматларига хам

1 м<sup>3</sup> 100 сўм маҳсус устама хак жорий этилган хамда "Таъминотчи" томонидан тақдим килинган коммунал сув етказиб бериси ва оқава сув чиқариши тизимиға уланиш учун рухсат этувчи хужжатларга риоя килиш мажбуриятини ўз зиммасига оладилар.

1.5. «Истеъмолчи» улбу шартномага, унинг тасарутида барча объектларининг (филиал ва суб-истеъмолчиларининг) дислокациясини, уларнинг сувда эҳтиёжи ва шахар сув тизимиға уланишдаги эҳтиёжини, етказиб берипнинг микдори ва диаметрларини кўрсатган ҳолда, кўтаструнусхасини тақдим қиласи, "Таъминотчи"ни ўз вактида сув ўтказиш-оқава хўжалигидаги, банк маълумотлари ва юридик манзилидаги ўзгаришлар хакида хабардор киласи.

## II. Умумий коидалар

2.1. Ичимлик суви билан экинларни сугориш, ховлилар, йўлакчаларига ўрнатилган вактдан ташкари сув сепиш, хамда, ичимлик сувидан автомашиналарни ювиш учун фойдаланиш қатъян ман этилади.

2.2. Коммунал сув таъминоти тизимларидаги ичимлик суви истеъмолчи (суб-истеъмолчи)ларнинг хўжалик-истеъмол ва коммунал-маиший эҳтиёжлари, ёнгилларни ўчириш, шунингдек, ичимлик суви талаб этиладиган технологик ва ишлаб чиқариши жараёнлари учун мўлжалланган.

"Таъминотчи"нинг техник имкониятлари мавжуд бўлган ҳолатларда, ихтиослашган истеъмолчиларга ичимлик суви марказий коммунал сув таъминоти тизимларидан етказиб берилади.

2.3. Асосий истеъмолчиларнинг тармокларидан сув олиб, оқава сувларини "Истеъмолчининг" канализациюн тармокларига ўтвучи суб-истеъмолчилар сув таъминоти ва оқава сувини чиқариши шартномасини "Истеъмолчи" билан тасдиқланган "Коидаларга" мувофиқ тузадилар.

2.4. Сувни ҳисобга олиши асбоблари Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги томонидан текширилган ва тамғаланган бўлиши ва сув ўлчаш тармоги сув-коммунал хўжалиги ташкилоти томонидан тамғаланиши лозим. Шунингдек ичимлик сувини ҳисобга олиш ускунасинин ёчиш, киёслашдан ўтказиш ва ўрнатиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 20 августдаги №-698 сонли қарорига мувофиқ юритилади.

2.5. "Истеъмолчи"га ўрнатилиши лозим бўлган сув ўлчаш курилмасининг шартли ўтказгичининг диаметри (калибри) ҳисоб-китоб асосида аниқланади, объектнинг максимал сув истеъмоли ва минимал сув истеъмолига текширилади ва "Истеъмолчи" билан келишилади. Ҳисоблаш курилмаси учун ўрнатилган минимал истеъмол микдордан кам микдорда сув истеъмол килинганда, «Таъминотчи» сув ўлчаш тармогини кайгадан курилди билан таъминлаш учун кўрсатма беради, ушбу кўрсатма бажарилмаганди, ҳисоблаш курилмасининг кўрсаткичлари кабул килинмайди ва ҳисоблаш Коидаларда ўрнатилган тартибида амалга оширилади.

2.6. Сув ўтказиш-канализация хўжалигининг реконструкцияси, ҳисоблаш курилмаларини ишга тушириш, ҳисоблаш курилмаларини алмаптириш, янги суб-истеъмолчиларининг уланиши Иsteъmolchi томонидан факат "Таъминотчи" тарафидан тасдиқланган техник шартлар ва лойиҳа асосида амалга оширилиши мумкин бўлиб, улар "Иsteъmolchinинг" сўровномаси асосида, барча тасдиқловчи хужжатларни иловга килган ҳолда берилади. "Таъминотчи"дан олинган техник шартлар асосида, "Истеъмолчи" буюргасига асосан, амалдаги мөъёр, коидалар ва бошقا мөъёрий хужжатлар асосида лойиҳалаштириш ташкилоти томонидан уланиши лойиҳаси ишлаб чиқиласи.

2.7. Курилган уламаларнинг ишга тушарилиши "Таъминотчи" томонидан, "Истеъмолчи" ва курилиш ташкилот вакилларининг иштироқида амалга оширилади.

2.8. Агар сув таъминоти ва сув чиқариши хизматлари учун нархларда ўзгариш вужудга келса, тўлов янги тарифлар асосида амалга оширилади.

2.9. Коммунал сув таъминоти ва сув чиқариши қисмларининг техник холати учун эксплуатацион масъулсиги чегараси (сув ва оқава тизимлари, курилмалар ва уларнинг мосламалари) сув-коммунал хўжаликлари ва истеъмолчилар орасида, хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари орасида қўйидагилардан иборат:

а) сув истеъмоли учун узатиш тармогининг киритиши курилмаси бўлиб, у коммунал тармокдан ўчирилади. Сув кувурини, шу жумладан узатиш курилмасини ишга тушириш истеъмолчининг ички сув узатиш тизимининг бир қисмидир;

б) оқава тизими учун магистрал оқава тизимиға уланиши нуктасидаги сув чиқариши кудуги бўлиб, у "Истеъмолчи"нинг ички оқава тизимининг бир қисмидир. Агар чиқариши оқава кудуги магистрал оқава тармогида жойлашган бўлса, кўрсатилган кудук сув-коммунал хўжалигининг бир қисми бўлади, узатиш тармогининг эксплуатацияси эса "Истеъмолчи"нинг кучи ва маблаги ҳисобига амалга оширилади.

### III. Тарафларнинг хуқуқ ва мажбуриятлари

#### 3.1. Истеъмолчининг хуқуқлари:

- а) "Таъминотчи"дан, у билан тузилган шартнома асосида, ичимлик сув ва окона сувни чиқариш хизматларининг узлуксиз амалга оширилишини, ўз хаёти ва соглиғига, мусликага ҳафф түгдирмайдига даражадаги сифат ва миқдорда ичимлик сув берилшини талаб қилиш;
- б) "Истеъмолчи" хисобидан хисоблаш курилмасини ўрнатиш.
- в) тегишли сифат даражасидаги ичимлик сув ва окона сув тармоқларига хизмат кўрсатиш талабларини бажармаганлиги учун "Таъминотчи"дан конунчиллиқда ва шартнома шартларида кўрсатилган миқдорда жарима (пеня)лар тўлашни талаб қилиш;
- г) "Гаъминотчи"ни шартноманинг бекор қилиши тўғрисида, унинг бекор қилинишидан камиде 15 кун олдин огохлантирган ҳолда ва ушбу муддатда сув таъминоти ёки окона сувни чиқариш бўйича кўрсатилган хизматлар учун тўловларни тўлиқ амалга оширган ҳолда шартноманинг бир томонлами бекор қилиш;
- д) ичимлик сув таъминоти ва окона сувни чиқариш хизматлари учун амалга оширилган тўловларнинг ҳолати, қарзларнинг йўклиги ҳакидаги маълумотлар ва маълумотномани (шахсан ёки ўз вакили орқали) белугу олиш;
- е) "Таъминотчи"дан ичимлик сув таъминоти ва окона сувни чиқариш хизматлари ҳажми ва сифати, уларни амалга ошириш шартлари, тўловлар тарифи ва тартибларининг ўзгариши ҳакидаги маълумотларни белугу олиш;
- ж) ичимлик сув таъминоти да окона сувни чиқариш бўйича хизматлар кўрсатилмаётганини ёки уларнинг паст сифатда эканлиги тўғрисидаги далолатнома тақдим этилгандан кейин 18 соат мобайнида таъминотчидан носозлик ва камчилликларни бартараф этиш чоратадибўлар тўғрисидаги маълумотларни олиш;
- ж) Давлат санитария эпидемиология маркази органлари томонидан тасдиқланган амалдаги стандартларга жавоб берадиган сифати ичимлик сувни билан таъминланмаганлик (сифатсиз ичимлик сув мавжудлиги аниқланган даврдан у тегишли даражага олиб келинган вакт) учун кайта ҳисоб-китоб амалга оширилишини талаб қилиш;

#### 3.2. Истеъмолчининг мажбуриятлари:

- а) шартнома шартларини бажариш;
- б) ўзининг ҳудудида жойлашган ва уларга тегишли бўлган коммунал сув ва окона тармоқлари ва курилмаларининг мувофиқ равишда кўриклинишини, уларга сув тошиши ёки пиакастланишига, музлаб колишига йўл кўймаслик, кудук копкокларини кор ва муздан тозалаш, "Таъминотчи" томонидан ўрнатилган тамғаларнинг бутлигини назорат қилиш, кудуклардан юза оқаваси мавжудлигини таъминлаш, ёнгинга карши гидрантларга ўтиш йўларини бекитмаслик, кўрсатилган ёнгинга карши гидрантларнинг кўрсаткичлари яхши ишлапини назорат қилиш;
- в) "Истеъмолчи" ҳудудида ёки унинг тасарруфидаги сув қувури, окона тармоқлари ва курилмаларининг устига турли буюм ва материалларнинг юнилишига ҳамда сув қувури, окона тармоқлари ва курилмаларининг устидан иншоотлар курилмаслигини, шу жумладан, ташки (кўча ва квартал ичидаги) сув қувури, окона тармоқлари ва курилмаларининг устидан иншоотлар курилишига йўл кўймаслик;
- г) коммунал сув қувури, окона тармоқлари ва курилмаларининг транзит нуктларида хар қандай шикастланиш, бузилишлар ҳакида зудлик билан "Таъминотчи"ни хабардор қилиш;
- д) сувни ҳисобга олиш приборларида якъон кўриниб турган носозиклар, шунингдек тамғани бутлигига шикаст етган ёки узиб ташланганлиги тўғрисидаги ҳолат аниқланганда ҳамда ҳисобга олинимаган ёнгинга карши гидрантлар мавжудлиги ҳакида дархол ёзма равишида ёки алока тармоқлари (факс, электрон почта) орқали "Таъминотчи"га хабар бериш;
- е) "Таъминотчи" билан тузилган шартномага мувофиқ мажбуриятларига риоя қилиш, ҳар ойнинг 23 дан 25 гача санасида кўрсаткичларни ўз вактида ва аниқечиб олиш ва ушбу кўрсаткичларни "Таъминотчи" жорий ойнинг охирги кунидан кечикмаган ҳолда маълумотларни тақдим қилиш ва тўловни амалга ошириш;
- ж) шартномада белгиланган миқдордан ортиқ ҳажмда сувнинг ортиқ сарф қилинишига ва окона сувларининг меъёрдан ортиқ чиқарилишига йўл кўймаслик;
- ж) "Таъминотчи"ни ўз вактида сув ўтказиш-окона хўжалигидаги, банк маълумотлари ва юридик манзилидаги ўзгаришлар ҳакида хабардор қилиш;
- и) "Таъминотчи"га тегишли бўлган ёки унинг ҳудудида жойлашган сув ва окона тармоқлари, курима ва мосламаларининг мувофиқ техник эксплуатациясини таъминлаш;
- й) ишлаб чиқариш окона сувларининг олдиндан тозалаш ишларини олиб бориш ва уларнинг ифлосланиш концентрациясини меъёрдаги кўрсаткичларга ўтиб кетмаслигини таъминлаш;
- к) окона тармоғига туширилувчи сувларнинг сифатининг мониторингини таъминлаш;
- л) "Истеъмолчи" ҳудудида жойлашган сув ўтчаш тармоғи, коммунал сув ўтказиш ва окона тизимларида хар қандай ишларнинг бажарилишига бегона шахсларни кўймаслик;
- м) жамоат сув ва канализация тизимларини обьектларига шикаст зарар етказган "Истеъмолчи" дархол "Таъминотчи"га хабар бериш ва етказилган зарарни қоплаш учун "Таъминотчи" техник тизимларни остида ўзи етказилган шикастланиши бартараф этиш ва бехуда сарф килинган сув нархини тўлаши шарт.

#### 3.3. Таъминотчининг хуқуқлари:

- а) "Таъминотчи" кўйидаги ҳолларда, истеъмолчини 7 кун аввал хабардор килган ҳолда, сув узатишни ва сув чиқаришни тўлиқ ёки кисман тўхтатиш хуқуқига эга:
- б) "Истеъмолчи" ҳудудида жойлашган ва унинг тасарруфидаги сув узатиш ва окона тармоқлари, мослама ва курилмаларининг техник ҳолати коникарсиз ҳолатда бўйса ва "Истеъмолчи" техник фойдаланиш қондадарини бузип натижаларини "Таъминотчи" вакиллари талабига кўра бартараф этмас;
- в) "Таъминотчи"нинг вакили истеъмолчи ҳудудида жойлашган ва унинг тасарруfидаги бўлган сув узатиш ва окона тармоқлари, мослама ва курилмаларида ишлар олиб бориш, тамға ўрнатишга ва бошқа ишларда "Истеъмолчи" томонидан асоссиз ҳалақт берилган тақдирда;
- г) "Таъминотчи" томонидан режали олдини олиш таъмирлаш ишларини, сув ўтказиш ва окона тармоқларida ишлар бажарилишида, "Истеъмолчи" уларга уланган бўлса, ва янги "Истеъмолчи"ларни уларни ушун ишларни ўтказишда;
- д) "Истеъмолчи"нинг хизмат кўрсатилишида ва унинг тасарруfидаги коммунал сув таъминоти ва сув чиқариш хизматларига ўзбошимча суб-истеъмолчиларнинг уланишни олганлигига аниқланганда;
- е) "Истеъмолчи" ўрнатилган муддатларда тўлови хужжатларига мувофиқ тўловни амалга оширмаганда;
- ж) "Таъминотчи"нинг розилигини олган суб-таъминотчиларнинг "Истеъмолчи" тасарруfida бўлган коммунал сув таъминоти ва сув чиқариш хизматларига уланишни ради жавобини бергандা;
- з) "Истеъмолчи"лар томонидан коммунал сув таъминоти ва сув чиқариш хизматларини кўrсатиш шартларига риоя қилинмаганда;
- и) табиий оғалларда;
- й) аварияларда;
- к) ёнгиг чиққан ерларга сув етказиш ҳажмини ошириши зарурияти тутилганда.

#### 3.4. Таъминотчи"нинг мажбуриятлари:

- а) сув таъминоти ва сув чиқариш бўйича шартнома шартларини бажариш;
- б) сув етказилишини узлеккона таъминлаш;
- в) тизимилиравишида давлат сув таъминоти ва канализация тармоқлари, истеъмол обьектлари ва курилмаларига уланган сув таъминоти ва канализация тармоқларининг ҳолатини ва ишни тизимили назорат қилишини амалга ошириш ва уларни тўғри ишланиши ташкил этишида амалий ёрдам кўrсатиш; бюджет билан биргалиқда "Истеъмолчи"лар сувидан оқилона фойдаланиши ва сувдан оқилона фойдаланишини аниқлаш, сувни етказиб бериш ва истеъмол қилишини катъий назорат қилиш ва хисобга олиш, саноатта мувофиқлигини мунтазам равишида назорат қилиш ва уларга тенглаптирилган сув истеъмол қилиш чекловларига риоя қилишини назорат қилиш;
- г) "Истеъмолчи"ларга индивидуал хисоблаш курилмаларини ўз хисобидан ўрнатилгандан сўнг, ўрнатилган тартиб ва муддатларда уларнинг ишини текшириш;

д) "Истеъмолчи"лар сув кувур хўжалигининг текширишни (индивидуал ҳисоблаш курилмаснинг яхши ишлаётганлигини текширган, улардаги назорат кўрсаткичларини олган ва тамғаларнинг мавжудлиги ва бутлигини аниклаган ҳолда) бир ойда кўши билан бир марта ўтказиш ва мувофиқ далолатномаларни тузиш;

е) "Истеъмолчи"га, ушбу шартноманинг шартларини бажармаган ҳолларида, жарима яъни пея тўловларини амалга ошириш;

ё) сув таъминоти ва истеъмолига оид меъёрий-хукукӣ ва бошқа хужжатларнинг қабул қилинганини ҳакида "Истеъмолчи"ларни хабардор килиш;

ж) сув етказиш ва сув чиқариш учун хизмат ҳаки тўловларининг тарифлари ошганда, улар кучга кирган кундан 15 кун аввал оммавий ахборот воситалари оркали маълумот бериш;

з) ичимлик сув таъминоти ва окова сувни чиқариш хизматлари учун амалга олирилган тўловларнинг ҳолати, карзларнинг йўклиги ҳакида маълумотлар ва маълумотномани "Истеъмолчи"га бепул бериш;

## VI. Тарафларнинг жавобгарлиги

4.1. "Таъминотчи" ушбу шартномага мувофиқ мажбуриятларни бажармасликда ёки лозим даражада бажарилмаган ҳолларда келиб чиқкан зарарни, "Истеъмолчи" эса етказилган ҳакиқий зарарнинг ўринини қоплаши шарт.

4.2. Истеъмолчи куйидагилар учун жавобгардир:

а) сув ҳисоблаш курилмасидаги тамғалар, айланни чизиги жўмраги, гидранглар ва бошқа сув узитини мосламаларидағи қисмларнинг унинг худудида ва тасарруғида бўлған тамғаланган ҳисоблаш курилмаларининг бутунилиги ва сакланиши учун;

б) сув тармоқларни аз бопшумча уланиб олиш, совук сувни ҳисобга олиш курилмаларининг касдлан бузилишига йўл қўйини ҳамда сув ҳисоблаш курилмаларидағи кўрсаткичларни ташқаридан арайлишган ҳолда ўзгартириш ҳолатлари учун;

в) конунчиликда ўрнатилган бошқа ҳолларда.

г) ўзбошимчалик билан курилган иншоатлар сабабидан, тармоқлардаги авариялар бўлған ҳолатларда;

д) коммунал дренаж тизми мавжуд бўлса "Истеъмолчи" худудида жойлапган окава тармоғига ёмғир ва эриган кор сувларнинг тушишига йўл қўймаслик. Ушбу қондабузарлик аникланганда "Таъминотчи" ходими ўрнатилган тартибида далолатнома тузади ва ушбу далолатнома "Истеъмолчи"нинг масъуллият ва жавобгарлик чорасини белгилаш учун асос бўлиб хизмат қиласди.

4.3 "Таъминотчи"кўйдаги ҳолларда жавобгардир:

а) амалдаги меъёрий-хукукӣ хужжатларнинг талабларига мувофиқ, узатилаётган сувнинг сифати ва конунчиликда ва шартнома шартларидаги кўзда тутилган бошқа ҳолларда;

б) "Истеъмолчи"ларга сув таъминотига уланиши ва сув чиқариш хизматларида фойдаланиши учун зарур бўлған техник шартларнинг ўз вақтида ва ишончли тақдим килиниши учун;

в) "Истеъмолчи"нинг хаёти, саломатлиги ва мол-мулкига етказилган зарап, маънавий зарап учун конунчиликда ўрнатилган тартиб ва миклорда, коплаш;

г) шартнома шартлари ва юклатилган мажбуриятларни бажармаслик;

д) конунчиликда ўрнатилган бошқа ҳолларда.

## V. Сув таъминоти ва сув чиқариш хизматлари учун ҳисоблар ва тўловларнинг тартиби

5.1. Коммунал сув таъминоти тизимидан чиқарилиш (қабул қилинган) сувнинг ҳисоблаш курилмаси мавжуд бўлганда, ҳисоблаш курилмасининг кўрсаткичларига мувофиқ, амалдаги тарифлар бўйича ККСни ҳисобга олган ҳолда амалга оширилади.

5.2. Окава тизимига келиб тушувчи окава сувнинг микдори, шахар сув тармоғидан етказиб бериладиган сув микдорига тенг. Марказлашган ҳолда иссиқ сув таъминоти мавжуд бўлған ҳолларда, истеъмол қилинүччи совук сув микдорига 2.0 коэффициенти кўлланилади. "Истеъмолчи"нинг ўзида сув таъминотининг курилмалари мавжуд бўлса, окава сувларнинг микдори ушбу сув курилмаларининг маҳсулдорлигига (ёки ўрнатилган ва рўйхатга олинган ҳисоблаш курилмаларининг кўрсаткичларига) кўпайтирилади. Ички сув таъминоти тизими "Истеъмолчи"нинг шахсий автоном манбаси билан боғлик бўлмаслиги лозим.

## VI. Алоҳида шартлар

6.1. Объект эгаси ўзаргандан истеъмолчи чиқиб кетишидан 7 кун аввал дебиторлик карзларини узуб, бу ҳақда Таъминотчи билан далолатнома имзолани шарт. Истеъмолчи чиқиб кетгач, сувни ҳисобга олиш асбоби, пломбаларнинг бутлиги ва копланмаган дебитор карздорлик учун жавобгарлик обьектининг янги зиммасига юкланади.

6.2. "Истеъмолчи"нинг сув узатиш-окава хўжалигидаги барча ўзарганилар таъминотчи томонидан "Истеъмолчи"нинг хати келиб тушган кундан бошлаб ҳисобга олинади.

6.3. Етказиб берилган ёки қабул қилинган ичимлик сувни ҳажми қувурнинг ўтказиши кобилиятидан келиб чиқиб ойнинг календар кунлари ҳисобидан кўйдаги формула асосида ҳисобланади:

$$Q = M \times F \times \sqrt{2g} \times H \times t$$

бунда:  $M$  – 0.60га тенг бўлған зулфин оркали сув сарфи коэффициенти;

$F$  – суюклик оқиб ўтадиган қувур ёки тешик кесими майдони (ички диаметр бўйича) $m^2$ ;

$g$  – 9,81 м/сек га тенг бўлған эркин тупшиш тезлиги;

$H$  – сувнинг метрлардаги босими;

$t$  – вакт- 24 соат, секундларда;

### Кўйдаги ҳолатларда:

6.3.1. "Истеъмолчи"да сув ўлчаш асбоб ва мосламалари йўқ бўлған ҳолатларда (ёки носоз ҳолатда);

6.3.2. Сув ўлчаш асбоби ёки мосламаси "Таъминотчи"да рўйхатдан ўтмаган тақдирда;

6.3.3. Ичимлик сувни билан ўзбошимчалик билан фойдаланиб, сув сепилгандан, автотапанинлар ювилганда;

6.3.4 Сув ўлчаш асбоби, мосламаси ишдан чиқкан, синган, бузилган ҳолатда, сарфланган сув ҳажми ушбу шартнома 6.3 бандида кўрсатилганига мувофиқ, энг сўнгти тузилган далолатнома муддатидан янги сув ўлчаш асбоби ўрнатилиб, (рўйхатдан ўтказилган) кунгача ҳисобланади;

Сувни ҳисобга олиш асбоби истеъмолчининг айбисиз носоз бўлған тақдирда сарфланган сув микдори олдинги уч ҳисоб-китоб ойидаги ўртача сарф бўйича аникланади. Ҳисоб-китобнинг бундай тартиби бир ойдан кўп кўлланилиши мумкин эмас. Агар сувни ҳисобга олиш асбоби кўрсатилган муддат мобайнида ўрнатилмаса, сарфланган сув микдори II гурух истеъмолчилари учун ушбу Қонданинг 87-«б»банди бўйича ҳисоб-китоб килинади;

6.3.5. "Истеъмолчи"нинг ичимлик сувни ва канализация тизими коммуникацияларидан сув истроф бўлиши ҳолатлари аникланган ҳолатларда;

6.3.6. "Таъминотчи"нинг сув ўлчаш бўгинини диаметри кичикроқ бўлған мосламага алиштириш тўғрисидаги талабномаси кондирилмаган, бажарилмаган ҳолатларда;

6.3.7 Сув ўлчаш асбобининг ҳисоб-китобини олиб бориш бўгинидаги кўйилган химоя копламига рухсатсиз тегилиши натижасида, ичимлик сув соғ сарфини аниқлаш имконияти чегаралганда;

6.4. Ичимлик сувни ва оқава сув коммунал тизимларига (жумладан ёнгидан сакланиш гидрантлари ва хонадон қувурларига) ўзбошимчалик билан уланиб олинган ва фойдаланилган ҳолатлар аникланганда, "Таъминотчи" томонидан далолатнома тузилади ва шу тузилган далолатнома ўзбошимчалик билан уланиб олган шахснинг жавобгарлиги даражасини аниқлаш ва "Таъминотчи"га етказилган зарарни ҳисоблаш учун асос бўлиб хизмат қиласди. Бунда:

-тўлов муддати, энг сўнгти тузилган далолатнома санасидан ўзбошимчалик билан уланиб олинган кун санасигача ёки янги сув ўлчаш асбоби ўрнатилиб, рўйхатдан ўтказилган кунгача, ёки ўзбошимчалик билан уланиши узб 15 кун ташланган кунга кадар ҳисобга олинади.

-ўзбочимчалик билан уланиб олинган санадан бу ҳақда маълум бўлган санагача, агар "Таъминотчи" балансдаги тармоқларга уланиши содир этилган бўлса, бу муддат дарво аризаси ёзилган муддатдан ошмаслиги зарур. Агар ўзбочимчалик билан уланган санани топиш, аниқлаш мумкин бўлмаса, бу муддат дарво муддатига тенг деб олиниди;

6.5 Техник шартлар 2 йил муддатга берилади. Белгиланган муддат тутагач буюртмачи (объектни лойхалаштириш ва куришни бошлаш учун) лойиха муддатини чўздириши ёки техник шартларни олиши зарур.

Техник шартлари мавжуд бўлмаган холда ёки муддати ўтган холда, "Таъминотчи" томонидан сув узатиш хизматларини якунлашта асос бўлади.

6.6. "Истеъмолчи" коммунал сув таъминоти ва окава сувни чикариб юборилиш тармоқларига уланиш санаси ҳакидаги хужжатларни тақдим этмаган ҳолатларда "Таъминотчи" томонидан, хоким карори ва кадастри хужжатлари ва шу кабилар асосида, хужжат билан тасдиқланган уланиш санаси бўйича хисоб-китоб килишга ҳақлидир.

6.7. Ишлатилган ичимлик суви ва қабул килинган окава сув учун тўловлар, "Таъминотчи" томонидан тақдим этиладиган тўлов талабномалари асосида уларга хизмат кильувчи банклар орқали амалга оширилади. Бу тўловлар "Истеъмолчи" томонидан 3 кунлик муддат ичика макондесиз тартибида амалга оширилади. Тўловлар ўз вактида амалга оширилмаган тақдирда, "Таъминотчи" кечикирилган тўловнинг ҳар бир куни учун 0.4 % пеня ёзди ва унинг умумий киймати асосий тўловнинг 50%дан ошмаслиги лозим.

6.8. "Истеъмолчи" хисоб раками бўлмаган тақдирда, тўловлар банк бўйлимларининг кирим кассаси орқали, хисобот давридан кейинги 10 кун муддат ичда тўлаанди.

6.9. «Таъминотчи» тўловнинг ҳар бир даври учун, аввалги ой тўловининг 100 % миқдорида олдиндан тўловлар (предоплата)ни белгилайди ва бу тўлов кеинти ой хисобига кўшилади. Агар "Истеъмолчи" икки хафта муддат ичидан тўловни амалга ошириласа, "Таъминотчи" хеч кандай огохлантиришлариз ичимлик сувини етказиб беринши ва окава сувларни чикариб юборишни карз ундирамагунга кадар тўхтатиб кўйиш хукуқига эга. Бундай ҳолларда ёнгидан сакланниш ва санитария ҳолатлари учун жавобгарлик тўлиқ "Истеъмолчи" зинмасига юқлатилади. Сув таъминоти ва окава сув чикариши тизимидан илгари узиг кўйилган ҳолларда кайта улашда II гурух истеъмолчиларидан энг кам ойлик иш хакининг 10 (үн) баробари миқдорида тўлов кайта улашни амалга оширган ташкилот хисобига маблағларни ўтказиш орқали ундирилади;

Канализация тизимига рухсат этилмаган ёмғир ва эркин қор сувлари оқизилаётган ишлаб чикариш окава сувларини "Истеъмолчи" лар томонидан ташлаш тартиби Вазирлар Мажкамасининг 2010 йил 3 февраль кунида қабул килинган 11 сонлии карори билан тасдиқланган "Ишлаб чикариши окава сувларини қабул килиш коидалари" хамда ифлослантирувчи муддатларнинг Ўзбекистон Республикаси шаҳарлари ва бошқа аҳоли пунктларининг коммунал канализация тармоқларига нормативдан ортиқча оқизилганлиги учун "Истеъмолчи"ларга белгиланган тарифга нишбатан 3 (үн) барабар ортирувчи коэффициент миқдор тартибида хисобланади.

6.10. Хисоб-китобнинг нотўғри килинганлиги (тарифларнинг нотўғри хисобига олинганлиги ва шу каби ҳолатлар) тўгрисида "Истеъмолчи" га ёзиладиган эътирознома тўлов хужжати олингандан кейин 5 кун муддатда "Таъминотчи"га тақдим этилиши керак. Эътирознома "Истеъмолчи"ни тўлов хужжатида кўрсатилган суммани тўлиқ ва белгиланган муддатда тўлашдан озод килмайди.

## VII. Низоларни ҳал этиш тартиби

7.1. Тарафлар ўртасида шартнома юзасидан келиб чиккан низолар, келишув йўли билан ҳал қилинади. Агарда икки томонлама келишувга эришилмаса, низолар Ўзбекистон Республикаси конунчилиги а мувофик Ташкент шаҳар туманиларо иктисадий судида кўриб чикилади.

7.2. Ушбу шартномада белгиланган ҳолатлар юзасидан низо келиб чиккан тақдирда, Конунчиликда белгиланган тартибида ҳал қилинади.

## VIII. Форс – мажор

8.1. Агар ушбу шартнома бўйича мажбуриятлар кисман ёки тўлиқ бажарилмаслиги табнат ходисалари ва бошқа енгиб бўлмайдиган куч (форс мажор) ҳолатлари (зилзила, сув тошкени, ёнгин, сел, дўл, жала ва бошқа табиий оғатлар) натижасида келиб чикса ва агар бу ҳолатлар музкур шартноманинг бажарилшилига бевосита таъсир этса, томонлар бундай бажармаслик учун жавобгарлиқдан озод этиладилар.

Мазкур шартнома бўйича мажбуриятларни бажарип муддати енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари амал килган, шунингдек ушбу ҳолатлар юзага келтирган вақтга мутаносиб равишда узайтирилади.

8.2. Форс-мажор ҳолати мавжуд бўлган томон 3 кун ичидан бошқа томонни форс-мажор ҳолати бошланган муддатларни кўрсатган холда ёзма равишда оғохлантириши лозим.

8.3. Агар форс-мажор ҳолатининг шартнома шартларини бажаришга уч ойдан кўп муддат тўскинилк килса, томонлардан биро шартномани бекор килиш хукуқига эга.

## IX. Шартноманинг амал қилиши муддати

9.1 Ушбу шартнома икки нусхада тузилган бўлиб, икки тарафда бир нусхадан сакланади.

9.2 Шартнома ғазначилик бўйинмаларида рўйхатга олинган кундан бошлаб кучга киради ва 202\_ йилнинг 31 декабригача амал қиласди.

### «ТАЪМИНОТЧИ»

«Ташкент шаҳар Сув таъминоти» МЧЖ  
Ташкент 100060, Фидокор 2

Тел: 252-19-68, 252-60-79

Факс: 252-19-44

www.tashkentshahar.suv



Рахбар

М. Ў.

«\_\_\_»

202\_ й.

(Ф.И.Ш., имзо)

\_\_\_\_\_

й.

### «ИСТЕЬМОЛЧИ»

Тегирийлар тартибу Деклар музейи

Манзил: Ташкент ш. А. Галиев ул. 1

Тел: 8 371 232 02 08 факс 8 371 232 02 13

газ/х-р

Банк

Банк коди

СТИР

ХХТУТ

Ташкент ш. 119-0100 014

Шахсий ракам

2340 2000 3001 0000 1010

Шахсий х-р

100010860262667015100043003

Банк

Банк коди

ЛОY

СТИР 93 131

\_\_\_\_\_

Рахбар

М. Ў.

«\_\_\_»

202\_ й.

(ғазнечилик бўйинмаси номи)

Юридик хулоса:  
Ушбу шартнома Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси ва "Хужалик юритувчи субъектларини шартномавий-хукукий асоси тўгрисида"ги Конунчилабларига мувофик тузилган

Хукуккуннос:

\_\_\_\_\_  
Х. Махроб

«\_\_\_» 202\_ й.